



O‘ZBEK TILSHUNOSLIGI MASALALARI

<https://buxdu.uz>

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIIY VA O'RTA
MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

QARSHI DAVLAT UNIVERSITETI

O'ZBEK TILSHUNOSLIGI MASALALARI

(davriy to'plam №8)

Qarshi
"Nasaf" nashriyoti
2018

**ФРАНЦУЗ ТИЛИДАГИ “ҚИЗИЛ” (“ROUGE”) РАНГ ВОСИТАСИДА
ҲОСИЛ БЎЛГАН ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР СЕМАНТИКАСИ
(Проспер Мериме асарлари мисолида)**

Маънавият халқни, миллатни улуғлайдиган, уни бутун дунёга танитувчи энг муҳим омилдир. Тил эса, унинг бирламчи ва асосий бўғини, туб илдири, халқнинг тарихи, бугуни ва келажагининг яққол ифодаси, анаъналари ва маданияти инъикоси ҳисобланади. Тил шундай буюк кучга эгаки, ҳатто қурол кучи билан эгаллаб бўлмайдиган сарҳадларни, минг бир лутф билан олиб бўлмас кўнгилларни-да олишга қодир. Тилнинг бундай қудратли бўлишига сабаб эса, унинг асрлар давомида яшаб, халқнинг бадиий тил воситалари билан сайқалланиб боришидадир. Зеро, халқ мавжуд экан, тил барҳаётдир, тил барҳаёт экан, халқ бардавом бўлади.

Бадиий тил воситаларининг энг қимматлиси — ҳар бир халқ тилида унинг маданияти ва маънавиятидан келиб чиққан ҳолда яратилган иборалар бўлиб ҳисобланади. Ибораларни тилшуносликнинг фразеология бўлимида ўрганилади ва улар тилда фразеологизмлар, фразеологик бирикма ва фразеологик бириклар каби бир нечта номлар билан аталади.

Ҳар бир тилда бўлгани каби, француз тилида ҳам кўплаб фразеологик бирик (бундан кейин – ФБ)лар мавжуд бўлиб, француз адаблари ўз асарларида фразеологизмлар, хусусан, ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлардан жуда унумли фойдаланганлар. Зеро, бундай идиомалар турли миллатларнинг, жумладан, француз халқининг ҳам турмуш-тарзи, тарихи, бой анъаналари, маданиятининг лисоний ўзига хослик хусусиятларини белгилаб беради.

Француз ёзувчиси Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” новеллаларида ранглар воситасида ҳосил бўлган француз ФБларнинг рус ва ўзбек тилларида берилиши қуйида таҳлил қилинади:

1. Аслиятда: *Quelle folie! s'écria Julie, roujissant jusqu'au blanc des yeux.* [1.-Б. 190-233].

Рус тилида: Что за вздор! – воскликнула Жюли, краснея до ушей. [2. – Б. 97-138].

Ўзбек тилида: Нималар деяпсиз?! — хитоб қилди Жюли қулоқларигача қизариб. [3. – Б. 281-324].

“*Roujissant jusqu'au blanc des yeux*” бирикмаси ўз маъносида “қўз оқигача қизармок”ни англатади. Ушбу ФБлар образлилик хусусиятига кўра бир хил, яъни, инсон тана аъзолари воситасида вужудга келган, айниқса рус ва ўзбек тилларида айнан “қулоқ” сўзи воситасида ифодаланади. Умуман олганда, ҳар учала тилга хос ФБлар шу тил меъёрларидан келиб чиқиб, мазмунан бир-бири билан эквивалент бўлиб ҳисобланади.

2. Аслиятда: *Si l'obscurité avait permis de distinguer la figure de Julie, Darcy aurait pu voir qu'une vive rougeur s'était répandue sur ses traits en entendant cette dernière phrase...* [1.-Б. 190-233].

Рус тилида: Если бы в темноте можно было различить черты Жюли, Дарси увидел бы, как **краска разлилась по её лицу** при последней его фразе. [2, – Б. 97-138].

Ўзбек тилида: Коронгида Жюлининг чехрасини кўриш мумкин бўлганида, Дарси сўнгги жумлани айтганида унинг **қизариб кетганини** пайкаган бўларди. [3, – Б. 281-324].

Мазкур мисолларни тахлил этилганда француз тилидаги “une vive rougeur s’était répandue sur ses traits”, рус тилидаги “краска разлилась по её лицу” ҳамда ўзбек тилидаги “қизариб кетган” сўзларини ўзаро қиёслаб, шундай хулоса қилиш мумкин: 1- ва 3-мисолларда айнан рангни ифодаловчи сўз воситасида (rougeur-қизғиш, қизариб (“қизил” сўзидан келиб чиққан)) ФБ ясалган, 2-мисол бундан мустасно (краска ранг демакдир). Шунга қарамасдан, барча мисоллар семантик умумийликка асосланган.

3. Аслиятда: ...comme celle que produirait **un fer rouge** dans une blessure cicatrisée. [1, -Б. 190-233].

Рус тилида: ... словно её затянувшейся раны коснулись **калёным железом**. [2, – Б. 97-138].

Ўзбек тилида: ...гўё биров унинг битиб бораётган ярасига **қизиган темир** босгандай бўларди. [3, – Б. 281-324].

Француз тилидаги “un fer rouge” ибораси “қизил темир” таржимасини аңлатса-да, лексик меъёр ва фразеологик хусусиятига кўра “қизиган темир”, “қиздирилган темир” маъноли ФБ бўлиб келган.

Юқорида келтирилган қизил ранг воситасида ҳосил бўлган идиомалар катнашган дастлабки мисолларда “rouge” сўзи “қизармоқ”қа, “қизил ранг”га ишора қилса, сўнгги гапда “қизиган”, “қиздирилган” сифатдошлари ўрнида келиб, ҳолатга ишора қилади. Бу матнда “un fer rouge” бирикмаси француз тилида кўп қўлланиладиган il faut battre le fer pendant qu’il est chaud (“қуй железо пока горячо – темирни қизигида босиш керак”) паремиологик бирикмасига ўхшаб кетади.

Француз тилидаги ибораларни уларнинг таржималари билан жадвал асосида ҳам кўрсатиш мумкин:

№	Француз тилидаги ибора	Лексик таржима	Рус тилидаги муқобили	Ўзбек тилидаги муқобили
1.	roujissant jusqu’au blanc des yeux	кўз оқигача қизариб	краснея до ушей	кулоқларигача қизариб
2.	une vive rougeur s’était répandue sur ses traits	юзига қизғиш тус ёйилган	краска разлилась по её лицу	қизариб кетган
3.	un fer rouge	қизил темир	калённое железо	қизиган темир

Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” новеллалари таркибида келтирилган ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар асарларнинг бадийлик даражасини, ибораларнинг адабий тилдаги ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга. Юқорида билдирилган фикрларни умумлаштирган ҳолда,

новеллаларда қўлланилган фразеологизмларни ўхшашлик, боғлиқлик ва фарқли жиҳатларига кўра ўзаро таққослаб, қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

1. Проспер Мериме ўз асарларида кизил ранг воситасида ҳосил бўлган ФБлардан эмоционал-экспрессивликни акс эттиришда жуда кенг фойдаланган.

2. Асарларда идиомаларнинг турлича маъно касб этиб, ҳолат, вазият, ранг-тус, хусусият, ҳис-туйғуни ифодалашдаги ўрни бекиёсдир.

3. Иборалар ҳосил бўлишида инсон тана аъзоларининг номлари ҳам фаол иштирок этиб, улар бевосита маъно кучайтиришга хизмат қилади.

4. Проспер Мерименинг “Қўш хато” ҳамда “Маттео Фальконе” новеллаларида келтирилган ранглар воситасида ҳосил бўлган ФБлар француз, рус, ўзбек халқининг бадиий тил воситаларига нечоғлик бой эканлигидан далолат беради ва фразеология соҳасидаги изланишларда ёш тадқиқотчилар учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Mérimée P. Nouvelles/La double méprise. Éditions du progrès, –М., 1976.
2. Мериме П. Новеллы; Двойная ошибка. Перевод М. Кузмина.–М., Правда, 1982.
3. Мериме П. Карл IX салтанатининг йилномаси/Қўш хато. О.Шарафиддинов тарж., Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,–Т., 1986.

Ш.Холёрова, Ўркин Воҳидов қўллаган қофиядош сўзларнинг морфологик хусусияти.....	63
Г.Каримова, Ўқувчиларнинг нутқий компетенциясини шакллантириш йўллари.....	65
N.Muminova, Boshlang'ich sinf o'quvchilar nutqini takomillashtirishning didaktik imkoniyatlari.....	69

3-ШУЪБА: ЎЗБЕК ТИЛИ ВА ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎРГАНИШ МУАММОЛАРИ

М.А.Азимова, Инглиз тили дарсларининг самарадорлигини оширишда техник воситалардан фойдаланиш.....	71
Б.Айматова, Немис тилида <i>tu</i> иловали конструкцияси хусусида.....	73
Л.Аннаева, Нутқ маданияти ва нотиқлик санъатининг педагог фаолиятидаги ўрни ва аҳамияти.....	75
B.Toshtemirov, Darak gaplarning grammatik-intonatsion belgilari (Tog'ay Murod asarlari misolida).....	77
D.Sh.Yo'ldosheva, O'rta ta'limda shakllantiriladigan kompetensiya turlari...	80
M.Y.Abdujabborova, Ona tili va adabiyot dasrlarida mahalliy ijodk-orlar ijodidan foydalanish.....	82
N.Amirqulova, Frazelogizmlarning ingliz tilidagi emotsional-ekspressiv vositalari.....	84
X.Баҳриддинова, Мактабда имлога доир мавзуларни ўқитишга доир.....	87
М.Баҳриддинова, Ўзлашма сўзлар имлосини белгилашга доир.....	88
K.Baratova, O'zbek va fransuz tillarida son kategoriyasining leksik, morfologik va sintaktik sathlarda ifodalanishi.....	90
Z. Bekmurodova, Fransuz tilida frazeologik antonimiyaning maqollarda aks etishi.....	92
P.K. Бердиёрова, Чет тилларни ўргатишда тинглаб тушунишнинг аҳамияти.....	94
D.Atamurodova, Sh.Nazarova, Nemis tili darslarida zamonaviy metodlarning roli.....	96
A.I.Zoirova, Fransuz tili ta'limida zamonaviy pedagogik texnologiyalarni tatbiq etish.....	98
Д.Т. Ибраимова, Инглиз вуйльгар сўзларининг бадий асарларда қўлланиши ва таржимаси хусусида (Э.Хемингуэй "Алвидо, қурол!" асари асосида).....	101
Б.Муратов, Б.П. Каримов, Прием рассуждение в обучении русскому правописанию учащихся 7- классов средней школы.....	103
Д.Хамраев, Э.Турсоатов, Методы и приемы усвоения грамматического материала в обучении орфографии учащихся 9-классов средней школы.....	105
H.X. Jo'raqobilova, Fransuz va o'zbek tillaridagi rang anglatuvchi frazeologik birikmalar yasallishining qiyosiy tahlili.....	107
N.Mahmudova, Sh.Ashurova, Chet tillarini o'rganishda xalq og'zaki ijodining o'rni.....	110

<i>M. Mustafonova</i> , Ingliz va o'zbek tillaridagi iqtisodiy terminlarning qiyosiy tahlili xususida.....	112
<i>Ш.Р. Мусурмонова</i> , Чет тилларини ўқитишда замонавий ахборот коммуникация технология-ларидан фойдаланиш.....	115
<i>M. Mustafoyeva</i> , Ingliz tili frazeologik birliklarini o'qitish va o'rganishdagi qiyinchiliklar.....	117
<i>D. Muqimova</i> , Nemis tilida predloglarning bog'lanishi.....	119
<i>T. Murodova</i> , Nemis va o'zbek tillarida gumon olmoshlari.....	121
<i>U. N. Nazirova</i> , Nemis tili fe'l so'z turkumida zamon kategoriyasi.....	123
<i>F. Otamurodova</i> , Til va madaniyat uyg'unligi.....	125
<i>Z. Oqboyeva, K. Oqboyeva</i> , Chet tilini o'rgatishda bolalar adabiyotidan foydalanish.....	127
<i>R. Polvonova</i> , Nemis va o'zbek tillarida nisbat kategoriyasi.....	129
<i>З.Х. Раҳматова</i> , Мактабгача таълим муассасаси тарбияланувчиларининг луғат бойлигини ошириш.....	131
<i>Ж.Э. Рўзиева</i> , Замонавий немис тилидаги "können" модал феълли конструкциянинг ўзбек тилида ифодаланиши.....	134
<i>З.Ш. Шукурова</i> , Инглиз тили предлоглари ва уларнинг ўзбек тилида ифодаланиши.....	137
<i>G.S. Qo'shayeva</i> , Chet tili darslarida interfaol metodlardan foydalanish.....	139
<i>S.S. Elmurodova</i> , Ingliz tili idiomalarining o'zbek tilida qo'llanilishi.....	142
<i>Г.С. Ҳоҗасиева, Г.А. Тоирова</i> , Француз тилидаги "кизил" ("rouge") ранг воситасида ҳосил бўлган фразеологик бирликлар семантикаси (Проспер Мериме асарлари мисолида).....	144

ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБА ВА МАГИСТРЛАР

<i>Bahromova Vazira, N. Musulmonova</i> , Badiiy uslubning grammatik vositalari.....	147
<i>H. Yo'ldosheva, O. Shukurov</i> , Ona tili ta'limi sifatini oshirishda innovatsiyaning o'rni.....	149
<i>N. Maxmadmurodova, B. Bahriddinova</i> , Kesim haqidagi ta'limotning o'zgarishi va qo'shma gaplarni ajratish muammolari.....	151
<i>G. Oripova, N. Musulmonova</i> , Koreys va o'zbek tillarida nisbat kategoriyasining ifodalanishi.....	152
<i>Э. Ортиқова, Э. Жабборов</i> , "Келиной" достонида қўлланган антропонимлар хусусида.....	155
<i>X. Rahimova, B. Bahriddinova</i> , Qaynona nutqining sotsiolingvistik talqini.....	158
<i>I. Ro'ziyev, B. Bahriddinova</i> , Maktabda izohlovchining o'rganilishi.....	159
<i>N. Tilakova, O. Shukurov</i> , Dunyo tillari xususida.....	161
<i>Y. Choriyeva, M. Nabiyeva</i> , OT yasovchi affikslarda omonimlik hodisasi.....	163
<i>D. Qo'ziyoyev, B. Bahriddinova</i> , O'zbek tilida -g'u, -gu, -ku, -qu affikslarining vazifasi haqida ba'zi mulohazalar.....	165
<i>A. Абдуллаева, М. Рахимова</i> , Фразеологик бирликларининг немис ва ўзбек тилларида киёсланиши.....	168
<i>Д. Абатова, Э. Жабборов</i> , Айрим ахборот технологиялари терминларининг луғавий маъноси тадқиқи.....	170